

Пахтакор туман Ирригация бўлими номидан НИЗОМ асосида фаолияти юритувчи рахбари А.Р.Авазов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) ва «Bulding-Repair» х/к номидан НИЗОМ асосида фаолияти юритувчи рахбари А.Ахмедов (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) лар мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топширигига кўра ўз материаллари ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Пахтакор туманидаги “ЮР-18-1” каналини ПК0+00дан ПК92+00гача, “ЮР-18-3” каналини ПК25+00дан ПК72+00гача механизм ёрдамида, лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ тозалаш.

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022й. «20» апрелга қадар пудратчига зарурий лойиха смета ҳужжатлари, техник хариталар тақдим этиш мажбуриятини олади.

Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

Ишларни бажариш муддати:

2022й. «20» Апрельдан

2022й. «30» Апрельгача.

Пудратчи ишларни олдин бажариш ҳуқуқига эга.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома кийматининг 30 % миқдорида бўнак тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг қолган маблағни буюртмачига узил-кесил, ҳисоб-китоб амалга оширилади.

2.2. Шартнома икки томондан имзолангандан кейин қонуний кучга эга бўлади ва «31» Декабрь 2022 йилгача амал қилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги хақида хабарнома олгандан кейин 10 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар хақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблаш ишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиш, белгиланган бахонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган

ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблаш ишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **48892847** (Қирк саккиз миллион саккиз юз туксон икки минг саккиз юз қирк етти) сўми ташкил қилади.

4.2 Ушбу шартнома бўйича тўлов аванс асосида амалга оширилади.

4.2.1 Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 5% миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик қоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдидан турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдидан ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмас қуч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган қучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва қелишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар қелишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни белгиланган тартибда иқтисодий судда кўриб чиқишга топширади.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай қиритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳолларда, харид комиссиясининг баённомасига асосан, ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтканидан кейин ҳақиқий қучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг қелишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини суеткашлиқ билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан ортиқ муддатга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижаёсида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Коррупсияга қарши шартлар

9.1. Томонлар қўйидагиларга мажбур:

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар/ҳаракатсизликларга йўл қўймайди. Коррупсияга қарши қураш

ва/ёки коррупсион характерга эга бўлган, шу жумладан (лекин улар билан чекланмаган ҳолда) пора бериш ёки пора олиш, товламачилик, пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш ҳолатларига йўл қўймаслик.

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимларини ёки ваколатли вакилларини ҳар қандай йўл билан рағбатлантиришни, шу жумладан пул маблағлари, совға-саломлар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки меҳнат муносабатларини таъминлашга қаратилган ишларни бажариш йўли билан рағбатлантиришни рад этишлари, ходим ёки унинг ваколатли вакили уни рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракат/ҳаракатсизликни амалга оширишига йўл қўймаслиги.

9.2. Агар Томон Шартноманинг 9.1-банди қоидаларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, ушбу Шартнома бўйича тегишли Томон бу ҳақда бошқа Томонни хабардор қилиш мажбуриятини олади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари аниқланган тақдирда, бу борадаги ваколатли органларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилади

10. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳолларда, харид комиссиясининг баённомасига асосан, ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтканидан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова «Bulding-Repair» хусусий корхонанинг Гувохномаси

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Б У Ю Р Т М А Ч И

ПАХТАКОР ТУМАНИ ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИ

СТИР 305080135

ОКОНХ 01613

Юридик манзили: Жиззах вилояти, Пахтакор тумани Сувонобод МФЙ, Миришкор кўчаси 1-уй

Тел./Факс: 72-353-11-89

ш/х* 100022860082287042402170001

Банк номи: Марказий банк ББ-ХККМ

МФО: 00014.

Ҳазначилик бўлинмасининг номи:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ҳазначилиги

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк ББ-ХККМ

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919

ПУДРАТЧИ

«Bulding-Repair» х/к

СТИР305818979

Юридик манзили: Жиззах вилояти, Пахтакор т.

Сувонобод МФЙ, А.Темур кўчаси

Тел./Факс: 99-550-33-27

Банк номи: Банк номи: АТБ Микрокредитбанк, Жиззах вилоят филиали

Х/Р: 20208000100935675001


МФО: 00135

СТИР: 305818979

Б У Ю Р Т М А Ч И:

А.Р.Авазов

М.Ў.



ПУДРАТЧИ:

А.Я.Ахмедов





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BUILDING-REPAIR" Xususiy korxonona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BUILDING-REPAIR" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

23.10.2018

645102

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

305818979

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Xususiy korxonona

Joylashgan joyi:


Jizzax viloyati, Paxtakor tumani, Paxtakor, Suvonobod MFY A.Temur
ko'chasi,

Guvohnoma:

Jizzax viloyati, Paxtakor tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi

Shartnoma

1. Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi

1. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Paxtakor tumani Irrigatsiya bo'limi tomonidan 19.04.2022 yilda tayyorlangan va tizimga kiritilgan.

1. Mas'ul ijrochi

Paxtakor tumani Irrigatsiya bo'limi mas'ul xodimi B.Abdukadirov

Paxtakor tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga Paxtakor tuman Irrigatsiya bo'limi tomonidan «Bulding-Repair» x/k hamda bo'lim o'rtasida tuzilgan pudrat shartnomasi loyihasi ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan.

Paxtakor tuman Irrigatsiya bo'limi tasarrufidagi Paxtakor tumanidagi "YuR-18-1" kanalini PK0+00dan PK92+00gacha, "YuR-18-3" kanalini PK25+00 dan PK72+00 gacha mexanizm yordamida tozalash yuzasidan 50 000 000 so'mga tanlov e'lon qilingan. (lot raqami: 64199)

Paxtakor tuman Irrigatsiya bo'limiga qarashli tanlov o'tkazish bo'yicha xarid komissiyasining 2022-yil 13-apreldagi bayonnomasiga asosan e'lon qilingan tanlovda «Bulding-Repair» x/k ning 48892847 so'mlik taklifi tanlov g'olibi deb topilgan.

Ushbu tozalash ishlari uchun smeta xujjatlari tayyorlangan bo'lib, ushbu smeta xujjatlari belgilangan tartibda ekspertizadan o'tkazilgan.

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2018 yil 26 mayda 3016-son bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi Nizomning 117-bandiga asosan tanlov natijalari bo'yicha shartnoma tanlov hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlov ishtirokchisi tomonidan berilgan taklifda ko'rsatilgan shartlar asosida g'olib aniqlangan vaqtdan e'tiboran o'n kundan kechiktirilmagan muddatda tuziladi.

O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni 10-moddasiga asosan xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

Xo'jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (ishlar, xizmatlar) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo'lmagan miqdorda oldindan to'lab qo'yish albatta nazarda tutilgan bo'lishi kerak.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni hamda amaldagi fuqarolik qonunchiligiga muvofiq tuzilgan.

Shartnoma loyihasiga tanlov o'tkazish bo'yicha xarid komissiyasining 2022-yil 13-apreldagi bayonnomasi, smeta xujjatlari, 2022-yil 15-martdagi 33938-sonli ekspertiza xulosasi, va boshqa xujjatlar ilova qilingan.

Paxtakor tuman Irrigatsiya bo'limi tomonidan taqdim etilgan pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi fuqarolik qonunchiligiga muvofiq tuzilgan.

Shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA QILAMAN:

Paxtakor tuman Irrigatsiya bo'limi hamda «Bulding-Repair» x/k o'rtasida tuzilgan pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq deb topilsin.

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti
20.04.2022 yil



G.Urakbaev



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Пахтакор туман ирригация

бўлими бошлиғи

А.Р.Авазов

«18» апрел 2022 йил

Пахтакор тумани ирригация бўлимида 2022 йил апрел ойида Ирригация бўлимига қарашли "ЮР-18-1" каналини ПК0+00дан ПК92+00гача, "ЮР-18-3" каналини ПК25+00дан ПК72+00гача механизм ёрдамида тозалаш ишларини бажариш учун танлов ўтказиш хайъатининг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 01

«18» апрел 2022 йил

Пахтакор ш.

Пахтакор тумани ирригация бўлимининг 2021 йил 21-апрелдаги № 10-и/ч сонли буйруғига асосан тасдиқланган хайъати аъзолари қуйидаги тартибда қатнашдилар

Раислик қилувчи:

- | | |
|---------------|-------------------------------|
| 1. А.Авазов | - Бошлик |
| 2. З.Ахмедов | - бўлим бош ҳисобчиси |
| 3. А.Ниязов | - бўлим СТФ ва ТТЭББ муҳандис |
| 4. Я.Султонов | - бўлим Ф ва ТТЭБ муҳандиси |
| 5. Ф.Умматов | - бўлим техник гидрометри |
| 6. З.Ахмедов | - бўлим бош ҳисобчиси |
| 7. С.Мустанов | - бўлим техник гидрометри |

КУН ТАРТИБИ.

1. 2022 йил Пахтакор тумани ирригация бўлимига қарашли "ЮР-18-1" каналини ПК0+00дан ПК92+00гача, "ЮР-18-3" каналини ПК25+00дан ПК72+00гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари бажариш бўйича махсус ахборот парталига ЛОТ № 22110012064199 рақами билан эълон жойлаштирилган бўлиб-муддати 2022 йил 13-март куни тугаган.

Яқунланган танлов натижаларига бўйича 13-апрел куни мажлис баённома ўтказилиб, унда "BUILDING-REPAIR" хусусий корхонаси томонидан берилган таклиф комиссия аъзолари томонидан ҳолиб деб топилиб, танлов баённомаси электрон имзо билан тасдиқланди ва муҳокама учун 2 иш кунига ахборот парталига жойлаштирилди. Танлов баённомаси бўйича 2 иш куни муддатда иштирокчилар томонидан эътироз ёки шикоят бўлмаганлиги сабабли ҳолиб деб топилган "BUILDING-REPAIR" хусусий корхонаси билан шартнома тузишни лозим деб топдик.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиққан ҳолда комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Танловда "BUILDING-REPAIR" хусусий корхонаси ҳолиб деб топилсин.
2. Танловда ҳолиб деб топилган "BUILDING-REPAIR" хусусий корхонаси ирригация бўлимига қарашли "ЮР-18-1" каналини ПК0+00дан ПК92+00гача, "ЮР-18-3" каналини ПК25+00дан ПК72+00гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари учун шартнома тузишга руҳсат берилсин.
3. Бўлим бош ҳисобчиси З.Ахмедовга:
Пахтакор туман ирригация бўлимига қарашли "ЮР-18-1" каналини ПК0+00дан ПК92+00гача, "ЮР-18-3" каналини ПК25+00дан ПК72+00гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари учун ажратилган маблағларни танловда ҳолиб чиққан «ЧП BUILDING-REPAIR» хусусий корхонаси ҳисоб рақамига белгиланган тартибда ва муддатларда йўналтириш юқлатилсин.
4. Суғориш тармоқларидан фойдаланиш ва таъмирлашни ташкил этиш бўйича бош муҳандис А.Ниязовга
Ирригация бўлимининг "ЮР-18-1" каналини ПК0+00дан ПК92+00гача, "ЮР-18-3" каналини ПК25+00дан ПК72+00гача механизм ёрдамида тозалаш ишларини назоратга олсин.

З.Ахмедов

А.Ниязов

Я.Султонов

Ф.Умматов

С.Мустанов